

PhD Акрамжон Каримов
Тошкент молия институти

Бунёд Мирзаев
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

КОРХОНАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАН ХОЛДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада йирик ва ўрта тоифадаги корхоналарда корпоратив бошқарув тизими ва унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш тенденциялари ва мавжуд муаммолар аниқланиб таҳлил қилинган. Соҳани ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: корпоратив бошқарув, корпоратив менежмент, акциядорлар, менежер, ишлаб чиқариш ресурслари, капитал қўйилма, асосий фондлар, KPI, ERP, CRM.

IMPROVING CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM WITH USING PRODUCTION RESOURCES IN THE ENTERPRISE

Abstract. This article identifies and analyzes the corporate governance system and factors affecting it, as well as trends and existing problems of rational use of production resources in large and medium-sized enterprises. Scientific proposals and practical recommendations for the development of the field have been put forward.

Keywords: corporate governance, corporate management, shareholders, manager, production resources, capital investments, fixed assets, KPI, ERP, CRM.

Кириш

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Дунё бўйича хомашё ресурслари энг кўп бўлган мамлакатлар топ бешлигига Россия 75 трлн. АҚШ долларлик, АҚШ 45 трлн. АҚШ долларлик, Саудия Арабистони 34,4 трлн. АҚШ долларлик, Канада 33,2 трлн. АҚШ долларлик, Эрон 27,3 трлн. АҚШ долларлик[1] қийматда нефт, кўмир, газ,

олтин ва бошқа таббий ресурсларга эгалик қилмоқда. Халқаро амалиётдан маълумки, мамлакатлар ҳудудида ишлаб чиқариш учун таббий ресурсларнинг кўплиги эмас, балки улардан қай даражада оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Жаҳон банкининг мамлакатлар кесимида ялпи ички маҳсулотнинг жорий қиймати бўйича 2021 йил маълумотларида Японияда 4,940 трлн. АҚШ долларлик, Германияда 4,259 трлн. АҚШ долларлик, Жанубий Кореяда 1,810 трлн. АҚШ долларлик, Индонезияда 1,186 трлн. АҚШ долларлик, Недерландияда 1,012 трлн. АҚШ долларлик ҳажмда маҳсулот ва хизматлар яратилган [2]. Қайд этиш жоизки, ҳудуд ва ресурслари кам сонли бўлишига қарамасдан, ушбу давлатлардаги корхоналарда корпоратив бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш тизими самарадорлиги юқори бўлиши юқоридаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришишни таъминлаган.

Иқтисодиётни жадал ривожлантиришда ресурслардан оқилона фойдаланиш, корхона менежменти ва корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу йўналишларда Ўзбекистон Республикасида ҳам қатор чора тадбирлар олиб борилмоқда. Лекин, давлат раҳбари таъкидлаганидек: “Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда. ... Энг муҳим масала — энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш. Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори”[3] айрим йўналишларда муаммолар мавжуд бўлиб, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва таҳлиллар асосида таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, компанияларда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш корпоратив бошқарув тизимини такомиллашига ва миллий иқтисодиётимизни жадал ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили

Миллий иқтисодиётнинг таянч бўғини ҳисобланган ишлаб чиқариш корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш ва корпоратив бошқарувни тизимининг оптималлиги хусусида жуда кўп хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Zhen Yu, Yiran Shen, Shengjun Jiang[4] лар корпоратив бошқарувни самарадорлиги корхонани янги яшил инновациялар олиб киришга ундайди деган хулоса берган бўлсалар, Tong Tong, Xiaoyue Chen, Tarlok Singh, Bin Li[5] лар корпоратив бошқарув тўғридан тўғри инвестициялар салмоғини оширишини баён этганлар.

Корхоналарда ресурслардан самарали фойдаланишда корпоратив бошқарувни рақамлаштириш устуворлигини Zahid Riaz, Pradeep Ray, Sangeeta Ray[6] лар ўзларининг илмий тадқиқотларида ўрганганлар.

МДХ давлатларидан Галина Шевелова[7] илмий тадқиқотларида корпоратив бошқарув тизимини энергетика соҳасидаги корхоналарда самарали ташкил этиш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини баён этган.

Иқтисодчи олимларимиздан С.Элмирзаевнинг илмий тадқиқотларида “корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади паст қийматда инвестициялар жалб қилиш, акциядорларга тўланадиган дивидендларни максималлаштириш, компаниянинг бозордаги улуши ва капиталлашув даражасини ошириб боришдир”[8] корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади эътироф этилган.

Иқтисодчи олимлардан Суюнов Д.Х., Б.Р.Турсуновлар табирича: “Корпоратив бошқарув бу компаниялар фаолиятини бошқаришга асосланган ва тартибга солинадиган қонун ва қоидалар тўпламидир. У компания акциядорлари, шунингдек мижозлар, етказиб берувчилар, бошқарув органлари манфаатларига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, корпорация ўзини назорат қилади, ходимлар учун ўз қадриятлари, сиёсати ва қонунларини энг юқори даражадан энг қуйи даражагача ўрнатади. Яхши корпоратив бошқарув барча акциядорларнинг умумий йиғилишларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлашга интилади”[9].

Иқтисодчи олимларимиздан Р.Х.Карлибаеванинг фикрича: “Корпоратив бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан амалга оширилган ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётининг тараққиёти, шаклланган иқтисодий тизим шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, ундаги институционал бирликлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми асос ҳисобланади”[10].

Шунингдек, яъна бир иқтисодчи олима С.Т.Пардабаева[11] корпоратив бошқарув тизимидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни тадқиқ этган ва таклифлар ишлаб чиқган.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Э.Хошимов, М.Муратаев ўзларининг илмий тадқиқот ишларида: “корпоратив ижтимоий масъулиликни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган қисмларга барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қийинчилик ва қашшоқликни енгишда ёрдам бериш орқали амалга ошириш ва қишлоқ, шаҳарларни ривожлантириш учун маълум даражада

хисса кўшиш демакдир”[12] корпоратив бошқарувда ижтимоий маъсулликка алоҳида эътибор қаратишган.

Б.Н.Уринов, У.Ф.Кенжаевалар фикрича: “Корпоратив бошқарув бу шундай тушунчаки, у ўзида менежерлар, директорлари кенгаши, акциядорлар ва компанияни бошқариш бўйича манфаатдор бўлган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлари тизимини ифода этади. Бундай тизим, нафақат, таъсисчилар даромадларига, балки компаниянинг келгуси инвестицияларига ҳам таъсир кўрсатади”[13]. Аввалги илмий тадқиқотларимизда таъкидлаганимиздек: “Корпоратив бошқарувнинг долзарблилиги, айниқса, жаҳон молия бозори танденцияларини ўзгарувчанлиги ва транспарентлигини ошириш, унда инвесторлар учун рақобатли кураш ва уларнинг рискларини пасайтириш, ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонуний манфаатларини таъминланишини кучайтириш, молиявий инқирозларни олдини олиш зарурати ва шу каби бошқа заруратлар бир қатор индустриал давлатларда унга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши билан белгиланади”[14] корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва корхоналарда ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қуйиш орқали ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар соҳасида юқори натижаларга эришиш, мамлакатда аҳолининг миллий даромадини бир неча баробарга кўтариш мумкиндир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида корхонада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек корпоратив бошқарувда мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Корхонани ишлаб чиқариш ҳажми ва ундаги асосий фаолият йўналишлари бўлган бизнес режа ҳар йили акциядорлар томонидан тасдиқдан ўтади. Шунингдек, корхона менежменти ушбу кўрсаткичларни қай даражада самарали бажаришга маъсул ҳисобланади.


Иқтисодчи олимлар таъкидлаганидек: “ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган

натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайtimi, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасда, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда”[15].

Ушбу ўринда корпоратив бошқарувнинг ташкил этиш даражаси корхонанинг ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Корпоратив бошқарувнинг турли нуқтаи назарлар асосидаги таърифлари: “Иқтисодий нуқтаи назардан: Корпоратив бошқарув – фойдани максималлаштириш, инвестиция жалб қилиш, бизнес қийматини ошириш орқали барқарор иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида корпорацияни самарали бошқариш ва фаолиятини назорат қилишнинг муайян тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари амалга ошириш жараёни. Молиявий нуқтаи назардан: Корпоратив бошқарув – капитал таъминотчиларини корпорацияга қўйган пул маблағларининг қайtimини ишончли кафолатлаш ва таъминлаш ҳамда улар манфаатларини инобатга олган ҳолда корпорация молиявий ресурсларнинг оқилона ишлатилиши ва адолатли тақсимланишини назорат қилиш борасида ягона қарорга келиш воситаси” [16]. Шу боис, корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини қай даражадалиги унинг келгуси истиқболига сезиларли таъсир кўрсатади.

Республикамизда юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган йирик корхоналарда корпоратив бошқарув тизими йилдан йилга такомиллашмоқда. Хусусан, пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлар эгалаган корхоналардан бири “Жиззах пластмасс” АЖ ҳисобланиб, у ерда “Корпоратив бошқарув кодекси”и 2016 йил 29 июнда акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган.

Компанияда ушбу ҳужжат орқали акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солиниб келинмоқда. Жаҳон амалиётидан маълумки, инвестор учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири хусусий капитал орқали қанча соф фойда олиш кўрсаткичи яъни ROE (Return on equity) ҳисобланади. “Жиззах пластмасс” АЖнинг ушбу кўрсаткичларини йиллар кесимида қуйидаги график орқали кузатишимиз мумкин (1-расм).



1-расм. “Жиззах пластмасс” АЖнинг молиявий кўрсаткичлари, млн. сўм[17]

Юқоридаги расм маълумотларидан шуни таъкидлаш жоизки, “Жиззах пластмасс” АЖнинг соф фойдаси 2014 йилда 451 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда “Корпоратив бошқарув” кодекси қабул қилингандан сўнг ушбу кўрсаткич 11,902 млрд. сўмни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 870 фоизга ошган. Лекин, “Covid-19” пандемиясини даврида компания кўрсаткичлари пасайган. Шунингдек, компанияда хусусий капитал рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткич ROE (Return on equity) 2017 йилда 67 фоизни кўрсатган бўлса, 2021 йилда 5 фоизга тенг бўлган.

1-жадвал

“Жиззах пластмасс” АЖ дивидендлар тўғрисида маълумот[18]


Йил	1 дона акция учун ҳисобланган дивиденд (сўм)	Акцияларнинг умумий сони (дона)	Умумий ҳисобланган дивиденд миқдори, (сўм)	Акциянинг номинал қийматига нисбатан (%)	Тўланган дивиденд миқдори (сўм)
2014	490,37	230 398	112 980 267,2	15,99	112 980 267,2
2015	1107,44	230 398	255 151 961,1	36,13	255 151 961,1
2016	2969,00	230 398	684 051 662,0	96,87	684 051 662,0
2017	25830,00	230 398	5 951 180 340,0	842,0	5 951 180 340,0
2018	1873,00	2 885 948	5 405 380 604,0	61,11	5 405 380 604,0
2019	356,14	4 958 644	1 765 988 962,0	11,62	1 275 382 502,0
2020	30,44	4 958 644	150 924 045,0	0,99	139 545 773,0
2021	78,14	4 958 644	387 477 200,0	2,55	/

Юқоридаги жадвал орқали “Жиззах пластмасс” АЖда соф фойдадан дивиденд ажратмаларини кўриб чиқишимиз мумкин. Хусусан,

2014 йилда бир дона акцияга ажратилган дивиденд суммаси 490,37 сўмни ташкил этган бўлса 2017 йилда ушбу қиймат 25830,0 сўмни ташкил этган. Кузатилган йилларда дивиденднинг номиналга нисбатан ўртача фоизи 133,4 фоиз бўлган.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий тизимлардан ҳисобланган KPI, CRM, ERPлардан трансмиллий компанияларда кенг фойдаланиб келинмоқда. KPI тизимида самарадорликнинг асосий индекаторларини белгилаб олинса, CRMда мижозлар билан ишлашга кенг эътибор қаратилади. ERP тизими эса корхонадаги ресурсларни режалаштириш ва бошқаришни қўллаб қувватлайди.

Юқоридаги тизимларни ишлаб чиқаришда самарали ишлатаётган компаниялар мисолига Apple Inc. трансмиллий компаниясини мисол келтирсек бўлади. Хусусан, ушбу компанияни молиявий кўрсаткичларини қуйидаги диаграмма орқали таҳлил этсак бўлади (2-расм).




2-расм. Apple Inc. компаниясининг молиявий кўрсаткичлари, млн. АҚШ доллари[19]

2-расм маълумотларидан шу аён бўлмоқдаки, 2014 йилда компаниянинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлардан келган соф тушуми 70,537 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич икки баробардан зиёдга ортган. Кузатилган йилларда ROE

35 фоиздан 150 фоизгача ўзгарганлиги - компанияда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланилаётганига гувоҳ беради. Шунингдек, Apple Inc. трансмиллий компаниясининг KPI тизими мижозлар эҳтиёжини қондириш, ходимларнинг мувофиқлиги ва мажбуриятлари, бозор улуши ва акциядорлик капитали қийматини оширишга қаратилган.

Хориж тажрибасида, корпоратив бошқарувни самарадорлигини таъминлаш учун дивиденд сиёсати алоҳида эътибор қаратилади. Apple Inc. трансмиллий компаниясида тақсимланган дивидендларни йиллар кесимида кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. Apple Inc. компаниясининг дивидендлари, АҚШ доллари [20]

Юқоридаги расм маълумотларида Apple Inc. компаниясининг йиллар кесимида дивидендлар тўлови динамикасини кузатишимиз мумкин. 2013 йилда компания ҳар бир акция учун 1,69 АҚШ долларида дивиденд тўлаган бўлса, 2019 йилда 79,88 фоизга кўпроқ дивиденд ажратган. Лекин, “Covid-19” пандемияси ушбу компаниянинг дивиденд ажратмаларига ҳам таъсир кўрсатган бўлиб, 2020-2022 йилларда дивиденд ажратмалари олдинги йилга нисбатан 2 баробарга камайганини кўришимиз мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини ҳар томонлама ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги билин чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш қолган молиявий ресурсларини фонд бозори орқали давлатдаги йирик ва инвестиция талаб қилувчи бизнес субъектларига самарали йўналтириш ва

уларнинг назоратини ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан[21].

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилганда, тадқиқотимизда “Жиззах пластмасс” АЖ ва Apple Inc. трансмиллий компаниясининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқдик. Таҳлиллар натижасида шу аён бўлдики, “Жиззах пластмасс” АЖнинг соф тушуими ва соф фойдаси ўртасидаги фарқ каттароқ бўлиб, ушбу ҳолат асосий фаолиятдан ташқари бўлган харажатлар ва валюта курси бўйича йўқотишлари кўплиги билан изоҳланади.

Компанияларда ишлаб чиқариш ресурслари, ERP ва CRM бошқарув тизимлардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш соф фойда миқдорини кўпайишига ҳам олиб келади ва бу ўринда корпоратив бошқарув тизими ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.statista.com/statistics/748223/leading-countries-based-on-natural-resource-value/>
2. https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?most_recent_value_desc=true
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, Халқ сўзи 21.12.2022 № 269 (8293)
4. Zhen Yu, Yiran Shen, Shengjun Jiang, The effects of corporate governance uncertainty on state-owned enterprises' green innovation in China: Perspective from the participation of non-state-owned shareholders, Energy Economics, Volume 115, 2022, 106402, ISSN 0140-9883, <https://doi.org/10.1016/j.eneco.2022.106402>.
5. Tong Tong, Xiaoyue Chen, Tarlok Singh, Bin Li, Corporate governance and the outward foreign direct investment: Firm-level evidence from China, Economic Analysis and Policy, Volume 76, 2022, Pages 962-980, ISSN 0313-5926, <https://doi.org/10.1016/j.eap.2022.10.003>.
6. Zahid Riaz, Pradeep Ray, Sangeeta Ray, The impact of digitalisation on corporate governance in Australia, Journal of Business Research, Volume 152, 2022, Pages 410-424, ISSN 0148-2963, <https://doi.org/10.1016/j.jbusres.2022.07.006>.
7. Galina I. Sheveleva, Corporate governance in generating companies of the Russian electric power industry in the context of ESG agenda, Global Energy Interconnection, Volume 5, Issue 5, 2022, Pages 512-523, ISSN 2096-5117, <https://doi.org/10.1016/j.gloei.2022.10.005>.

8. С.Элмирзаев Корпоратив бошқарув. Дарслик.: Тошкент "Зебо Принт", 2021.- 476 б.

9. Суюнов Д. Х., Турсунов Б. Р. Акциядорлик жамиятларда корпоратив бошқарув самарадолигини ошириш //Central Asian Academic Journal of Scientific Research. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 48-55.

10. Карлибаева Р. Х. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

11. Пардабаева С. Т. Корпоратив бошқарув тизимидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни //Архив научных исследований. – 2022. – Т. 4. – №. 1.

12. Элмурод Хошимов, Мираббос Мираълоевич Муратаев Акциядорлик жамиятларида корпоратив ижтимоий масъулият тизими моҳияти ва зарурияти // Science and Education. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/aktsiyadorlik-zhamiyatlarida-korporativ-izhtimoiy-masuliyat-tizimi-mohiyati-va-zaruriyati> (дата обращения: 23.02.2023).

13. Уринов Б. Н., Кенжаева У. Ф. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари //Research and education. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 15-25.

14. Исмоилов, Л. И. ў., & Каримов, А. И. ў. (2022). Корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш орқали капитал бозорининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш . Results of National Scientific Research International Journal, 1(6), 155–170.

15. Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. «Корхона иқтисодиёти» (Ўқув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2006

16. З.А. Ашуров Корпоратив бошқарув концепцияси ва моҳияти: илмийназарий ёндашувлар ва уларни ривожлантириш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил 12-бет

17. <https://jizplast.uz/reports>

18. <https://jizplast.uz/corp/show/informatsiya-o-dividendakh>

19. <https://www.macrotrends.net/stocks/charts/AAPL/apple/roe>

20. <https://www.statista.com/statistics/633711/dividend-per-share-of-of-apple-inc/>

21. Каримов А. И. Ў. АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 10 (146). – С. 35-40.